

Рельефонимларнинг инглиз тили изоҳли луғатларида қўлланишлари ва уларнинг маънолари

Бекзод Бегматович ФАРМОНОВ

Таянч докторант
Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва
адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон
bekfarm@mail.ru

Аннотация

Мақолада рельефонимларнинг инглиз тилидаги изоҳли луғатларда қандай берилганлиги, улар англатадиган маъно ва синонимлари ҳақида тушунтириб ўтилган шунингдек, рельефонимлар ўзбек тилига таржима қилинганда улар билдирган маънолари ҳақида ҳам ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: изоҳли луғат, сўз туркумлари, семема, синоним, омоним, пастлик, баландлик, қиялик.

Использование рельефонимов в толковых словарях английского языка и их значение

Бекзод Бегматович ФАРМОНОВ,

базовый докторант
Университет узбекского языка и литературы имени
Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан
bekfarm@mail.ru

Аннотация

В статье рассказывается о том, как отражены рельефонимы в толковых словарях английского языка, их значения и синонимы. Кроме того, выделены значения словосочетаний при переводе на узбекский язык.

Ключевые слова: глоссарий, группы слов, семема, синоним, омоним, низкий, высокий, склон.

Ўзбек тилшунослигида маълум сўзлар гуруҳининг изоҳли луғатларда акс этиши масаласига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд. Бундай ишлар сифатида А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили изоҳли луғатида феълларнинг берилиши”, Ҳ.Юсуфхўжаеванинг “Айрим феъл формаларининг изоҳли луғатда берилиши ва изоҳлашпринциплари”, “Кўмакчи феълларнинг изоҳли луғатда берилиши ва изоҳланиши”, И.Ҳамдамованинг “Сифатларнинг маъно турлари ва уларнинг ўзбек тили изоҳли луғатида берилиши” каби мақолалар; Х.Юсуфхўжаеванинг

“Лексикографическая разработка глагольных форм в толковом словаре узбекского языка” [5], Б.А.Джураевнинг “Структурно-семантическое исследование многоязычных слов современного узбекского языка (на материале соматической лексики)” [2], М.Равшановнинг “Омонимы в толковом словаре узбекского языка” [4], Ш.Х.Бобожоновнинг “Семема, унинг нутқий воқеланиши ва изоҳли луғатдаги талқини” [1] каби монографик тадқиқотларини санаш жоиз.

Ш.Бобожонов ўринли таъкидлаганидек, луғавий маъно талқинида лисон ва нутқни изчил фарқлаш талаби ҳар бир сўзга хос барқарор лисоний ва ўткинчи нутқий жиҳатларни ажратишни тақозо қилади. Нутқий ҳодисалар чексизлик ва ранг-баранглик табиатига эга бўлганлиги боис лексикографик талқинларнинг объекти бўла олмайди. Луғатлар сўзларга хос барқарор жиҳатларнигина қамраб олиш имконига эга [1]. Демак, семасиология соҳасида амалга оширилган изчил системавий тадқиқотлар луғат тартиб беришда муҳим таянч омил бўлиб, лексикографни беадад нутқий маъноларни луғатларга киритиш ҳамда изоҳлаш мушкулотларидан халос этади. Бунда ҳар бир воқеланган нутқий луғавий маънода қоришган ўзга ҳодисалар тажаллилларини эътибордан соқит қилиш ушбу бирлик (сўз)нинг асл зотида дахлдор бўлган унсурни ажратиш ва тавсифлаш лексикографик талқинда муҳим аҳамиятга эга” [1].

Кўпмаъноли сўзларнинг луғатда изоҳланишини таърифлар экан, Ш.Бобожонов қуйидаги хулосага келади: “Демак, луғатда бир сўзнинг, дейлик, йигирма-ўттизталаб нутқий маъноларини изоҳлаш унинг эмпиризмга асосланганлигини кўрсатса, фақат семемаларга таяниш луғатнинг семемик таҳлил дрирасидан ташқарига чиқа олмаганлигидан далолат беради” [1].

Маълумки, инглиз тилида лексемаларнинг асосий қисми полисемантик ёки омонимик хусусиятга эга. Шу сабабли рельефонимларнинг изоҳли луғатларда берилишини кузатар эканмиз, тегишли сўзларнинг фақат рельеф номини билдирувчи маъноларига диққат қаратамиз.

Ш.Бобожонов полисемантик лексемаларни қуйидагича таърифлайди:

“Бир неча тушунчани ўзида мужассамлашгирган лексемалар мазмун-мундарижаси мураккаб табиатлилиги билан характерланади. Лексема таркибида бирдан ортиқ тушунча мужассамлашганда, лексема турли синтагматик қуршовларга киради. Масалан, [олма] лексемасида иккита (“мева”, “дарахт”) тушунча мавжуд бўлиб, у ҳар бир ифодаланган тушунчаси асосида ҳам бошқа- бошқа, ҳам умумий қуршовларга эга бўлиши мумкин. Булар эса “семема лексема лисоний моҳиятининг алоҳида синонимик ва синтагматик қуршовга эга бўлган туридир” [1] деган фикрнинг асослилигини кўрсатади. Демак, лексема бирдан ортиқ тушунчани ифодалаганда, ҳар бир тушунча учун алоҳида- алоҳида семема тўғри келади”. Худди шундай ҳодиса инглиз тилидаги рельефонимларда ҳам учрайди. Рельефонимларни изоҳли луғатларда кузатар эканмиз, уларнинг *noun, verb, adjective* [14] каби турли туркумга мансублиги ўзбек тилидаги изоҳли луғатда бўлганидек омоним сифатида ажратиб кўрсатилмайди. Турли туркумга мансублиги белгиланган ҳолда, ҳар бир туркумга оид лексема семалари араб рақамлари ва ҳарфлар билан ажратилади. Қуйида мисолларни таҳлил қиламиз.

Plain noun [11].

1a: an extensive area of level or rolling treeless country

b: a broad unbroken expanse

2: something free from artifice, ornament, or extraneous matter.

Plain noun a large area of flat land [11].

Кўришиб турибдики, *plain* (текислик) сўзининг Вебстер ва Кембриж луғатларидаги изоҳи талқинида фарқ мавжуд Вебстер луғатида *an extensive area of level or rolling treeless country* (текис ёки дарахтсиз мамлакатнинг кенг майдони қатлами) сифатида тавсифланса, Кембриж луғатида *a large area of flat land* (текис ерда жойлашган катта майдон) деб изоҳланади. Умуман олганда, иккала луғатда ҳам *текислик* семаси аниқ кўришиб турибди. Мисол: *High mountains rise above the plain* (Баланд тоғлар текисликда жойлашади).

Plateau noun **1a:** a usually extensive land area having a relatively level

surface raised sharply above adjacent land on at least one side [11].

Plateau *noun* a [large flat area](#) of [land](#) that is high above [sea level](#) [11].

Кембриж луғатида *денгиз сатҳидан баландда жойлашган кенг текис ер* деб изоҳланса, Вебстер луғатида *одатда, кенг ер майдони, нисбатан текис юзаси, ҳеч бўлмаганда, бир томондан қўшни ердан кескин кўтарилган* деб таърифланади. Иккала луғатда ҳам *кенглик, текислик, маълум сатҳдан баландлик* семалари кўрсатилади. Вебстер луғати *ёнма-ён жойлашган худуддан кескин кўтарилган* семаси билан тавсифни янада аниқлаштирган.

valley an [area](#) of [low land](#) between [hills](#) or [mountains](#), often with a [river running](#) through it (*тепаликлар ёки тоғлар орасидаги пасттекислик, кўпинча дарё оқиб ўтадиган жой*) [12];

valley an elongate depression of the earth's surface usually between ranges of hills or mountains (*одатда тепаликлар ёки тоғлар оралиғида эр юзасининг чўзинчоқ тушиши*) [12];

Таҳлил қилинаётган луғатларнинг икккаласида ҳам *valley (водий)* лексемасининг асосий семаси ҳақида *тепалик ёки тоғлар орасидаги пасттекислик* семаси асосий планда турибди.

Swamp (an [area](#) of) very [wet](#), [soft land](#): *The Everglades are an [area](#) of swamp in [southern Florida](#)* [14].

Swamp 1: a wetland often partially or intermittently covered with water *especially*: one dominated by woody vegetation; 2: a tract of swamp [14].

Кембриж луғати қисқа шаклда *жуда нам юмшоқ ер* (very [wet](#), [soft land](#)) деб изоҳланса, Вебстер луғатида *кўпинча ботқоқ, қисман ёки вақти-вақти билан сув билан қопланган ер* деб келтирилади. Кўринадики, Вебстер луғатида *ботқоқлик, баъзан ёки вақти-вақти билан сув билан қопланганлик* семалари ажратиб кўрсатилади. Бундан ташқари, иккинчи маъноси сифатида *ботқоқлик* семаси ажратиб кўрсатилади.

Beach *noun* 1: shore pebbles: SHINGLE. 2a: a shore of a body of water covered by sand, gravel, or larger rock fragments. b: a seashore area (1:

қирғоқ тошлари; 2а: қум шағал ёки катта тош бўлаклари билан қопланган сув ҳавзасининг қирғоғи. б: денгиз соҳили) [13].

Beach an [area](#) of [sand](#) or [small stones](#) near the [sea](#) or another [area](#) of [water](#) such as a [lake](#): (Денгиз ёки бошқа кўл каби сув майдони яқинидаги қум ёки майда тошлар) [13].

Ушбу икки луғатдаги изоҳ қиёсланса, *beach* лексемасининг қирғоқ ва соҳилни қоплаган майда тош семалари яқол кўзга ташланади. Аммо иккинчи луғатдаги изоҳда семалар ажратиб кўрсатилмаган. Лекин бу бирлик атама эмас, балки рельефоним сифатида изоҳланган.

desert an [area](#), often [covered](#) with [sand](#) or [rocks](#), where there is very little [rain](#) and not many [plants](#): *They were [lost](#) in the desert for nine [days](#).*

Кембриж луғатида *desert* рельефоними кўпинча қум ёки тош билан қопланган, жуда кам ҳолларда ёмғир ёғадиган, ўсимликлар кўп бўлмайдиган жой сифатида изоҳланади.

Айни шу сўз Оксфорд луғатида қуйидагича берилади:

desert: [arid](#) land with usually [sparse](#) vegetation *especially*: such land having a very warm climate and receiving less than 25 centimeters (10 inches) of [sporadic](#) rain all annually (одатда ўсимликлари сийрак бўлган қурғоқчил, жуда иссиқ иқлимли, йил давомида 25 сантиметрдан кам ёмғир ёғадиган ерлар.)

2: an area of water apparently [devoid](#) of life (сувли ҳаёт кўринмайдиган майдон)

3: a [desolate](#) or forbidding area lost in a *desert* of doubt

4 *archaic*: a wild uninhabited and uncultivated tract.

Кўриняптики, бу луғатда сўзнинг биринчи маъноси рельефоним сифатида, иккинчи маъноси атама сифатида, учинчи маъноси кўчма маънода берилиши изоҳланади. Тўртинчи рақам остида сўзнинг архаик маъноси келтирилади. Тавсиф шуни англатадики, денгиз сатҳи ва ундан пастликни билдирган сўзларни пастликни билдирувчи рельефонимлар сифатида шу гуруҳга киритиш мумкин. Шу сабабли *океан, денгиз, кўл, дарё, жилға* каби

сўзларнинг инглиз тилидаги эквивалентини шундай сўзлар тизимига киритиш мумкин. Бу сўзлар луғатда қуйидагича изоҳланади:

sea (денгиз): a great body of salt water that covers much of the earth (ернинг катта қисмини қоплайдиган шўр сувли катта сув ҳавзаси) [7];

lake (кўл): a considerable inland body of standing water *also*: a pool of other liquid (жуда кўп ички сув ҳавзалари, шунингдек, бошқа турдаги суюқлик ҳавзалари (лава, ёг каби) [7];

river (дарё): a natural stream of water of usually considerable volume (одатда катта ҳажмдаги табиий сув оқими) [7];

spring (булоқ): a source of supply: a source of water issuing from the ground (таъминот манбаи: ердан сув чиқариш манбаи);

stream (жилға): a body of running water (such as a river or creek) flowing on the earth (ер юзида оқаётган сув оқими);

pond (ҳовуз): a body of water usually smaller than a lake (одатда кўлдан кичикроқ сув ҳавзаси) [14];

riverbed: the channel occupied by a **river** (дарё эгалланган канал);

delta (дельта): a piece of land shaped like a triangle that is formed when a river splits into smaller rivers before it flows into an ocean (учбурчак шаклидаги ер майдони, дарё океанга қуйилишидан олдин кичикроқ дарёларга бўлиниб кетганда ҳосил бўлади);

massif; tract (массив) [9]

a: an indefinite stretch of land (ернинг чексиз қисми);

b: a defined area of land (белгиланган ер майдони);

Атрофдан пастроқ бўлган жой ёки қисм деган маънони ифодаловчи depression (пастлик) сўзи луғатда қуйидагича тавсифланади: a place or part that is lower than the surrounding area. Изоҳдан билинадикки, пастлик семаси билан бемалол бу лексема ҳам рельефонимлар қаторидан жой олади.

Бундан ташқари нотекислик, ғадир-будирлик, силлиқлик каби семалар бўрттириб турган full of ups and downs, bumpy, uneven ground (паст-баландлик), low place, hole, lowland каби сўзлар ҳам пастлик маъноси билан

шу гуруҳга кириши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Рельефоним – қиёсланаётган икки тилда ҳам Ер юзасининг рельефини, ер сатҳи кўринишларини ифодаловчи сўз. Ўзбек ва инглиз тилидаги рельеф номларини атовчи бирликлар тизимини ўрганишда географик атамалар луғати, изоҳли луғат ва тезауруслар манба бўлади. Инглиз тилидаги рельефонимларнинг араб, тожик ва рус тиллари билан қиёсий тадқиқи амалга оширилган. Инглиз ва ўзбек тилларда рельефонимлар (1) умумий рельефонимлар: ландшафт, рельефнинг катта элементлари, гидрография, тупроқ ҳамда (2) атроф-муҳитнинг баъзи чекланган элементлари, ландшафт турларини тавсифловчи аниқ рельефонимлар гуруҳини фарқлаш мумкин. Қиёсланаётган тилларда рельефни атовчи отларни ер сатҳида жойлашишига қараб пастлик, текислик, баландлик каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобожонов Ш.Х. Семема, унинг нутқий воқеланиши ва изоҳли луғатдаги талқини: филол. фан. номв. диссер. автореф. – Самарқанд, 2004. – 47 б.
2. Джураев Б.А. Структурно-семантическое исследование многоязычных слов современного узбекского языка (на материале соматической лексики): Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 62 с.
3. Исломов И. Ўзбек тилида ер сатҳи кўринишларини ифодаловчи атов бирликлари тизими: филол. фан. бўйича фалс. докт. ...дисс. – Қарши, 2019. – 132 б.
4. Равшанов М. Омнимы в толковом словаре узбекского языка: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 48 с.
5. Юсупходжаева Х. Лексикографическая разработка глагольных форм в толковом словаре узбекского языка: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – 61 с.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3- жилд, 2007. – 375 б.
7. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/riverbed>
8. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/delta>

9. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/tract>
10. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/depression>
11. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/plateau>
12. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/valley>
13. <https://dictionary.cambridge.org/ru/translate/>
14. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/swamp>